

Эй Муъоз

08:25 / 21.05.2018 3229

Анасдан розияллоху анху ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Муоз билан бир уловга мингашиб кетишаётган эди. У зот: **«Эй Муъоз»**, дедилар. Муъоз: «Лаббайка ва саъдайка,* эй Аллоҳнинг Расули», деди. **«Эй Муъоз»**, дедилар. «Лаббайка ва саъдайка, эй Аллоҳнинг Расули», деди. **«Эй Муъоз»**, дедилар яна. «Лаббайка ва саъдайка, эй Аллоҳнинг Расули», дея уч марта айтди. **«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир»**, деб сидқидилдан гувоҳлик берган қул борки, Аллоҳ уни дўзахга ҳаром қилур», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, одамларни бундан хабардор қилайми, хурсанд бўлишар эди?» деди (Муъоз). **«У ҳолда суюниб қолишади»**, дедилар у зот.

Муъоз (илмни яшириш орқали) гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрқиб, буни ўлими олдидан айтган».

Муттафақун алайҳ.

* «Лаббайка ва саъдайка» ибораси луғатда «Мен мана шу ердан, хизматингизга тайёрман, сизни улуғлайман» деган маънони билдиради. Истеъмомда эса ўзбек тилидаги «Буюринг, амрингизга мунтазирман» деган жумлага тўғри келади.